



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMINING QARORI

Navoiy sh., Islom Karimov sh.k 77 A

2021-yil 30 - январь

K-16 -son

Navoiy sh.

**Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари аппаратидаги айрим
лавозимларга ишга қабул қилишнинг янги тартибини
жорий қилиш чора тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли қарори ижросини ташкил этиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очик тизимини йўлга қўйиш бўйича ташаббусини амалга ошириш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратида кадрларни очик мустақил танловлар (кейинги ўринларда - танлов) асосида қабул қилиш тизими жорий этилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги аппаратидаги мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган лавозимларга ишга қабул қилиш фақат очик мустақил танлов асосида “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали” (<https://vacancy.argos.uz/>) (кейинги ўринларда - портал) орқали амалга оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, туман (шаҳар) ҳокимликлари бошқарув аппаратидаги сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимлардан ташқари барча лавозимларга ишга қабул қилиш очик мустақил танлов асосида портал орқали амалга оширилади.

3. Вилоят ҳокимлиги аппаратининг вакант лавозимларига танлов ўтказиш тартиби 2-иловага, Навоий вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг вакант лавозимларига танлов ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссия таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимликлари **3 кун муддатда** ҳокимликдаги вакант лавозимларига танлов ўтказиш тартиби ҳамда танлов ўтказиш бўйича комиссия таркибини тасдиқласин.

5. Келгусидаги тузилмавий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг ишчи органига танлов асосида ишга қабул қилинадиган лавозимлар рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳукуки берилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Р.Хайдаров) вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ҳар бир лавозим учун малака талабини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, танлов комиссияси томонидан танлов ғолибини аниқлаш билан бир қаторда вакант лавозимларга эълон қилинган очик мустақил танловда иштирок этиб, охири босқичгача етиб келган ҳар бир номзоднинг шахсий ва касбий фазилатлари, амалий тажрибаси, билими ҳамда иқтидори ҳисобга олинган ҳолда танлов комиссиясининг тавсиясига мувофиқ, улар орасидан энг муносиблари амалдаги ёки истиқболли кадрлар заҳирасига киритилади.


8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, ташкилий-назорат гуруҳи ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари тегишлилиги бўйича ҳокимлик тизимига кадрларни ишга қабул қилишда танловнинг очик, адолатли ва шаффоф ўтишини таъминлаш учун масъул ҳисобланадилар.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



К. Турсунов



**Ишга қабул қилишда очик мустақил танлов асосида амалга ошириладиган
вилоят ҳокимлиги аппарати лавозимлари
РЎЙХАТИ**

№	Лавозим номи
1.	Навоий вилояти ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари котибияти бош мутахассиси
2.	Навоий вилояти ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти бош мутахассиси
3.	Навоий вилояти ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича котибияти бош мутахассиси
4.	Навоий вилояти ҳокимлиги хотин-қизлар масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар бўйича бош мутахассиси
5.	Навоий вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси
6.	Навоий вилояти ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси
7.	Навоий вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи бош мутахассиси
8.	Навоий вилояти ҳокимлиги тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи бош мутахассиси
9.	Навоий вилояти ҳокимлиги бош ҳисобчиси
10.	Навоий вилояти ҳокимлиги ишлар бошқармаси девонхона бош мутахассиси
11.	Навоий вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари котибияти етакчи мутахассиси
12.	Навоий вилоят ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари котибияти етакчи мутахассиси
13.	Навоий вилояти ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича котибияти етакчи мутахассиси
14.	Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи етакчи мутахассиси
15.	Навоий вилояти ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи етакчи мутахассиси
16.	Навоий вилояти ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи етакчи мутахассиси
17.	Навоий вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси
18.	Навоий вилояти ҳокимлиги ишлар бошқармаси девонхона етакчи мутахассиси
19.	Навоий вилояти ҳокимлиги Ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси биринчи тоифали мутахассиси
20.	Навоий вилояти ҳокимлиги Илм-фан ва инновациялар шўъбаси биринчи тоифали мутахассиси
21.	Навоий вилояти ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти биринчи тоифали мутахассиси
22.	Навоий вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи биринчи тоифали мутахассиси
23.	Навоий вилоят ҳокимлиги ишлар бошқармаси девонхона биринчи тоифали мутахассиси



Вилоят ҳокимининг 2021 йил 30 январдаги
K-16 сонли қарорига 2-илова

Навоий вилояти ҳокимлиги аппаратидаги вақант лавозимларга ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш ТАРТИБИ

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси талаблари асосида Навоий вилояти ҳокимлиги тизимидаги вақант лавозимларга ишга қабул жараёнида шаффофлигини таъминлаш, илғор халқаро стандартларга мувофиқ махсус электрон дастур асосида талабгор фуқароларнинг барчасига тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда саралаб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Танлов Навоий вилояти ҳокимлиги тизимидаги вақант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов асосида саралаб олиш малака талабларига мувофиқ энг муносиб номзодни танлаш мақсадида ўтказилади.

2. Мазкур тартиб талаблари қуйидаги лавозимларга тадбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига киритилган лавозимларга;

ишга қабул қилиш тайинлаш ёки сайлаш тартибида амалга ошириладиган ёки қонунчиликда ишга қабул қилишнинг алоҳида тартиби белгиланган лавозимларга;

техник ва хизмат кўрсатувчи тоифадаги лавозимларга.

3. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат органи – Навоий вилояти ҳокимлиги (кейинги ўринларда - ҳокимлик).

вақант лавозим – давлат органи тузилмасида белгиланган, қонунчиликка мувофиқ тегишли малакага эга ходим қабул қилиниши мумкин бўлган бошқарув ёки ишлаб чиқариш тоифасидаги бўш турган лавозим.

номзод – вақант лавозимга ишга кириш учун давлат органига электрон тарзда мурожаат қилган жисмоний шахс;

танлов – мазкур Тартиб талаблари асосида ўтказиладиган, номзоднинг давлат органи олдида қўйилган вазифаларни самарали бажаришга бўлган билими, малакаси, касбий кўникмаси, шахсий-психологик хусусиятлари мослигини аниқлашга қаратилган, меҳнат шартномасини тузишдан олдинги ҳаракатлар мажмуи.

4. Танлов меҳнатга оид қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Тартиб талабларига асосан амалга оширилади.

5. Танловда иштирок этиш учун қоида тариқасида, давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш ҳуқуқи қонунчилик билан чекланмаган ва тегишли лавозимни эгаллаш учун малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қўйилади.

2-боб. Танловни ташкиллаштириш

6. Вакант лавозимларга номзодларни ишга қабул қилиш учун танлов ўтказиш мақсадида вилоят ҳокимлигида танлов комиссияси тузилади.

Танлов комиссияси ҳокимнинг қарори билан ташкил этилади.

7. Танлов комиссияси таркибига қуйидаги ходимлар киритилади:

Вилоят ҳокими;

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари;

Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари;

Юридик хизмат раҳбари.

Заруратга кўра танлов комиссияси таркибига танлов ўтказиладиган бўш лавозим мавжуд таркибий бўлинма раҳбари, танлов ўтказиладиган бўш лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи танлов комиссияси ишчи органи ҳисобланади.

8. Танловни ташкил этиш вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи томонидан амалга оширилади (кейинги ўринларда – ишчи орган деб юритилади).

9. Танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:

биринчи босқич – танлов ўтказилиши тўғрисида эълон;

иккинчи босқич – ҳужжатларни қабул қилиш ва саралаш;

учинчи босқич – тест синовлари

тўртинчи босқич – суҳбат ўтказиш;

10. Танлов ўтказилишида қуйидагилар амалга оширилади:

а) Танлов комиссияси:

танловда иштирок этиш учун номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади;

номзод билан суҳбат ўтказади.

б) Ишчи орган:

танловни эълон қилади, номзодлардан ҳужжатларни қабул қилади;

суҳбат ўтказилишини ташкиллаштиради;

номзодларни танлов босқичларида иштирок этиш, ишга қабул қилиш

ёки ишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида хабардор қилади.

11. Танлов ўтказишда танлов комиссияси томонидан ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида учинчи ва тўртинчи босқичларда аудио ва видео ёзуви қурилмаларидан фойдаланилиши мумкин.

3-боб. Танлов ўтказиш тўғрисида эълон бериш ва ўтказиш.

12. Танлов ўтказиш тўғрисида эълон:

вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланган ҳолда “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали” аппарат-дастурий комплексига (vacancy.argos.uz)(кейинги ўринларда – сайт);

ҳокимликнинг расмий веб-сайтига ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилади.

Эҳтиёждан келиб чиқиб даврий нашрларда жойлаштирилиши ҳам мумкин.

13. Ишчи орган вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига ўрнатилган тартибда жойлаштирилиши ҳамда вакант лавозимни эгаллаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги эълоннинг оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилишини таъминлайди.

14. Вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар сайтга жойлаштирилган сана мазкур лавозимни эгаллаш бўйича танлов эълон қилинган кун деб ҳисобланади.

15. Танловда иштирок этиш бўйича номзодларнинг аризаларини қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 10иш кунини ташкил қилади.

Танловда иштирок этиш бўйича аризалар келиб тушмаган тақдирда, аризаларни қабул қилиш муддати автоматик тарзда 10иш кунига узайтирилади.

16. Танловда иштирок этиш бўйича аризаларни қабул қилиш фақат номзодлар томонидан сайтдаги электрон сўровномани тўлдириш орқали амалга оширилади.

Бунда, номзодга бир вақтнинг ўзида учтадан ортиқ бўлмаган давлат органи вакант лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Номзод хоҳишига кўра, аризага ўз малакасини тасдиқловчи диплом, сертификат ва бошқа ҳужжатларнинг электрон нусхаларини ҳам илова қилиши мумкин.

Аризалар қабул қилишда номзодлардан ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини қоғоз шаклида талаб қилиш ман этилади.

17. Номзодлар томонидан танловда иштирок этиш бўйича ариза тақдим қилишда ёлгон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилганлиги уларни танловдан четлатиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

18. Ишчи орган томонидан ариза қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида:

номзоднинг тақдим этган ҳужжатларини вақант лавозимни эгаллаш бўйича малака талабларга мослиги ўрганиб чиқилади;

ўрганиш натижасида малака талабларига мувофиқ бўлган номзодлар танлов иштирокчилари рўйхатига киритилади, малака талабларига мувофиқ бўлмаган номзодлар танлов иштирокчилари рўйхатига киритилмайди ва бу ҳақида номзод ўрнатилган тартибда хабардор қилинади;

номзодлар рўйхати танлов комиссиясига тақдим қилинади;

сайт орқали танлов ўтиш жойи ва вақти тўғрисида номзодларга хабар берилишини таъминлайди.

Танлов комиссияси танлов ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилади.

Танлов унда иштирок этиш бўйича аризалар қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб етти иш куни ичида ўтказилиши лозим.

19. Танлов ўтказишда шаффофлик, холислик ва объективликни таъминлаш мақсадида видео ёзув қурилмаларидан фойдаланилиши мумкин.

20. Танловни ташкиллаштириш ва ўтказишда белгиланган қоидага риоя этмаслик ҳолатлари, шунингдек, танлов комиссиясининг холис қарор қабул қилишига таъсир ўтказган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали танлов натижасини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Тест синовларини ўтказиш тартиби.

21. Тест синовлари номзодларнинг шахсий ва касбий компетенцияларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

22. Тест синовлари ишчи орган томонидан белгиланган тартибда алоҳида бино ёки иншоотда ташкил этилади.

23. Номзоднинг тест саволлари умумий кўрсаткичининг камида 55 фоизига тенг ва ундан юқори балл тўпланиши имтиҳон натижаларини ижобий деб топиш учун асос бўлади.

Ушбу ўтиш балли танлов комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

24. Тест саволлари натижалари танлов комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва тест синовлари ўтказилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмасдан сайтда эълон қилинади.

25. Тест синовларини муваффақиятли топшира олмаган (салбий натижалар олган) номзодлар белгиланган тартибда эълон қилинган янги танловда қатнашиш учун қайтадан ҳужжат топшириши мумкин.

5-боб. Суҳбат ўтказиш тартиби

26. Суҳбат танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Суҳбат танлов

комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади.

Агар танлов комиссияси аъзоси суҳбатдан ўтаётган шахснинг қариндоши бўлса ёки суҳбат натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса ёхуд ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза бериши шарт.

27. Суҳбат номзоднинг касбий маҳорати ва шахсий фазилатлари вакант лавозимни эгаллаш бўйича малакавий талабларга мос келишини баҳолаш мақсадида ўтказилади. Суҳбатдан муваффақиятли ўтди деб ҳисоблаш учун соҳага оид норматив - ҳуқуқий ҳужжатларни билиш даражасига ҳамда етакчилик қобилиятига эътибор қаратилади.

28. Номзодга кўпи билан бешта савол берилади. Танлов комиссияси аъзолари ҳар бир саволга берилган жавобни баҳолайди.

29. Ҳар бир номзод билан ўтказилган суҳбат натижалари бўйича ушбу Тартибнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда суҳбат варақаси тўлдирилади.

30. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси суҳбат варақасида қуйидаги жумлалардан бирини танлаш орқали ўз тавсияларини кўрсатади:

меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилади;

дастлабки синов муддати билан меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилади;

меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилмайди.

31. Ишга қабул қилишда устунлик меҳнат шартномаси тузиш бўйича танлов комиссияси аъзоларининг энг кўп ижобий тавсияларини олган номзодга берилади ва ушбу Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги баённома билан тасдиқланади, агар танлов комиссияси аъзоларининг ижобий хулосалари тенг бўлса, танлов комиссияси раисининг хулосаси ҳал қилувчи якуний хулоса ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида давлат органининг вакант лавозимига тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлса, ишчи орган унинг тегишли ҳужжатларини вазирлик ёки идорага келишиш учун юбориши лозим.

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги суҳбатда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ўз вакилини юбориш ҳуқуқига эга.

Суҳбат вақтида тартиб-таомиллар танловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидаларига риоя қилинишини кузатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг вакили суҳбатда кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

33. Номзодлар танлов комиссияси хулосасидан норози бўлган тақдирда хулоса қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда танлов натижалари бўйича комиссия хулосаси устидан давлат органи раҳбарига, юқори турувчи ташкилотига ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Суҳбат ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган, лекин унда иштирок этмаган номзодлар суҳбатдан ўтмаган ҳисобланади.

34. Танлов комиссияси томонидан номзодни ишга қабул қилиш бўйича тавсия берилган (вазирлик ёки идора томонидан ижобий ҳулоса берилган) кундан эътиборан белгиланган тартибда уч иш куни мобайнида давлат органи раҳбари танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузади.

Агар қонун ҳужжатларида вакант лавозимга ишга қабул қилишда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлиб, ишчи орган томонидан унинг тегишли ҳужжатлари вазирлик ёки идорага келишиш учун юборилган ҳамда ижобий жавоб олингандан сўнг белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш чоралари кўрилади.

Ишчи орган томонидан бир кунлик муддатда танлов комиссиясининг қарори сайтда эълон қилинади ва танлов ғолибини ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиалига юборилади.

6-боб. Яқуний қоида

35. Мазкур Тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Вилоят ҳокимининг
2021 йил 30 январдаги
сонли қарорига 3-илова

**Навоий вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг
вакант лавозимларига танлов ўтказиш бўйича
доимий фаолият кўрсатувчи комиссия
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш		Лавозими
1.	Турсунов Кобул Бекназарович	-	Вилоят ҳокими, комиссия раиси
2.	Ҳасанов Одил Равшанович	-	Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3.	Бобомуродов Бекзод Нуриддинович	-	Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари
4.	Ҳасанов Камолиддин Абдуразоқович	-	Вилоят ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи
5.	Истамов Садулло	-	Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
6.	Душанов Яшин Равшанович	-	Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
7.	Мусурманов Гофур Эшпулатович	-	Вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари
8.	Ўроқов Азамат Шодиевич	-	Вилоят ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи
9.	Казаков Фарход Солиевич	-	Вилоят ҳокимлиги юридик хизмат раҳбари
10.	Хайдаров Равшан Хикматуллаевич	-	Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари (Ташкилий-назорат гуруҳи танлов комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади)

*Изоҳ: Зарур ҳолларда комиссия ишига вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати гуруҳ
раҳбарлари ва котибият мудирлари ҳамда бошқа мутасаддилар жалб этилиши мумкин.*

*Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган ёки лавозимидан озод этилган тақдирда унинг
ўрнига янги тайинланган раҳбар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Навоний вилояти ҳокимлиги аппаратининг
вакант лавозимларга ишга қабул қилиш
бўйича танлов ўтказиш
ТАРТИБИга
I-илова

Навоний вилояти ҳокимлиги

СУҲБАТ ВАРАҒИ

Исм, фамилияси, отасининг исми	
Туғилган йили ва жойи	
Маълумоти	
Диплом бўйича мутахассислиги	
Амалдаги лавозими	
Тавсия этилаётган лавозим	

1. Комиссия раиси _____

2. Комиссия аъзоси/ФИШ/ _____

Билдирилган фикр ва мулоҳаза .Тавсия _____

3 Комиссия аъзоси/ФИШ/ _____

Билдирилган фикр ва мулоҳаза .Тавсия _____

4. Комиссия аъзоси/ФИШ/ _____

Билдирилган фикр ва мулоҳаза .Тавсия _____

5. Комиссия аъзоси/ФИШ/ _____

Билдирилган фикр ва мулоҳаза .Тавсия _____

Суҳбат варағи билан танишдим

_____ йил “ _____ ” _____ /ФИШ/

Навоий вилояти ҳокимлиги аппаратидаги вакант лавозимларга
ишга қабул қилиш учун танлов асосида саралаб олиш
тўғрисидаги

2-илова

**Танлов комиссияси
БАЁНИ**

Навоий шаҳри

20__ йил “__” _____

Раис:

Комиссия аъзолари:

Таклиф қилинганлар:

Йиғилиш кун тартиби:

бўйича ўтказилган танловда. Танлов комиссиясининг хулосаси (қабул қилишнинг
асослантирилиши)

Танлов комиссияси раиси: _____

Танлов комиссияси аъзолари: _____

Танлов комиссияси котиби: _____ (котиб охирги имзо қўяди)